

**БЮЮК СИЙМОЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ, МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ РУҲИЯТИ
ЁШЛАРГА ИБРАТ**

Мамажонов Алишер

тарих фанлари номзоди, Андижон давлат универси-тети Жаҳон тарихи кафедраси доценти. E-mail: mamajonov0505@mail.ru

Мақолада Мустақиллик туфайли ҳақиқий она Ватаннинг ташкил топганлиги, унинг номи тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилганлиги, у эл-юрт ардоқлаб тилга оладиган жонажон Янги Ўзбекистон эканлиги, авлод-ажедодларимизнинг босиб ўтган узоқ тарихий тараққиёт йўлининг ажойиб тажрибалари, сабоқлари, халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги, жаҳонга таниқли Буюк сиймоларни таълимот ва қарашлари ёшларга андоза эканлиги, Буюк сиймоларнинг тарбиявий, мањнавий-ахлоқий руҳияти ёшларга ибрат бўлишилиги, Умаршаих Мирзо хонадонида таълим-тарбия соҳасида маҳсус тарбияга эътибор қаратилганлиги, Шарқона таълим қоидасига кўра, болани ёшлигиданоқ бағрини илму урфон нури билан ёритиш тараддуси ташкил қилинганлиги масалалари хусусида фикр билдирилган.

Калит сўзлар: *Буюк сиймо, руҳият, ёшлар тарбияси, чиройли фазилат, рикобдор, тирандозлар, чавгон.*

Тарихга назар солсак, инсоният тараққиёти босқичларини уларнинг эволюцияси орқали англаймиз. У орқали бугунги кунимизнинг мазмун-моҳиятини тушуниб оламиз, эртанги кунга даҳлдор орзу-умид, мақсадларимизни белгилаймиз. Тарихнинг буюк қудрати, тарбиявий кучи, мураббийлик моҳияти мозийни ўрганиш, тадқиқ этиш орқали бугунни баҳолаш, бугунги одамларни тушуниш ва уларни йўлга солиш борасидаги фикрларни, фояларни ўзига мужассам этганидадир.

Тарих ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига ғоят буюк, муқаддас вазифани юклади. Бу-Ватанинни Ватан қилиш, унинг довругини олам узра ёйиш, кучига куч, шухратига-шухрат қўшишдир.

Мустақиллик туфайли биз ўзимизнинг ҳақиқий Ватанимизни топдик. Бу-номи тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилган, эл-юрт ардоқлаб тилга оладиган жонажон Янги Ўзбекистондир.

“Биз ўз олдимизга жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида қўйдик” [1. Б.44],- гар шундай экан миллатнинг етуклиги, шахснинг мањнавий камолоти ўз Ватанига бўлган муҳаббати, ҳурмати, самимияти, меҳр-оқибати билан белгиланади. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат одамнинг қонига она сути билан киради. Бу муқаддас туйғуни она алласи парвариш қиласи, ота тарбияси ва намунаси улғайтиради.

Киндиқ қони томган она-Ватаннинг тарихини, тарихий тараққиёт йўлини билмаган, унинг билан чексиз фахрланмайдиган кишини маданиятли инсон, ҳақиқий ватанпарвар деб бўлмайди. Ўз тарихига бўлган ҳурмат, бу, энг, аввало, халқига, авлод-аждодларига бўлган эътибор демакдир. Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Ватанпарварлик - ёлғиз ўз Ватанига меҳр қўйишдан иборат эмас, балки жаҳон маданияти, бошқа халқларнинг моддий ва маънавий бойликлари, илм-фани, техникаси, бой тарихий тажрибаларидан, иқтисодий имкониятларидан ижодий асосда фойдаланиш ҳам демакдир.

Тарих-кишилик жамиятининг узок минг йилликлардаги ўтмиши, ўша жамиятнинг турли даврларида яшаб ўтган халқ оммасининг фаолиятини ўрганади ва ёритади. Ҳаётга назар солсак инсонларнинг онги, тафаккури ҳамда дунёқарашлари ўзгарди, уларнинг кўпчилиги турли-туман фикр-андишалар билан банд бўлиб яшасада. Бундай фикр-андишалар ҳоҳ тўғри бўлсин, ҳоҳ хато бўлсин, барибир, унинг соҳибига бутунлай гўзал кўриниш, ажойиб бўлиши табиий бир ҳолдир.

“Гўзал турмуш роҳат-фароғат билан умр ўтказмоқдан иборатдир. Умр ҳеч маҳал бир ерда тўхтаб турмас, балки ҳамиша бирин-сирин ўтар ва ниҳоят тутар ҳам. Ўтган умрни бутун дунё молини бериб бўлса ҳам қайтариб бўлмас. Шунинг учун бу оз умрни роҳат-фароғат билан кечирмоқ, зое ўтказмоқдан сақланмоқ лозим бўлади” [2.Б.7],-деган сўзларга қулоқ тутадиган бўлсак, оиланинг баҳт саодати ақлли, илмли, яхши тарбияли болаларни йетиштиришдир. Ана шу тарбиялар орқали дунёда буюк сиймолар етишиб чиқиши муқаррардир. Авлод-аждодларимизнинг босиб ўтган узок тарихий тараққиёт йўлиниң ажойиб тажрибалари, сабоқлари, халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини эсимизда тутмоғимиз лозим.

Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, АбуАли ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир Темур, Навоий, Бобур сингари жаҳонга таниқли Буюк сиймоларни таълимот ва қарашларини инкор этиб бўлмайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда мақолада Буюк сиймо Захириддин Муҳаммад Бобурнинг тарбияси, маънавий-ахлоқий рухияти ёшларга ибрат мавзуусида қисқача маълумот беришга ҳаракат қилдик.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий рухиятини мустаҳкамлаш тўғрисида гап кетганда, уларга фақат диний ақидалар, диний расм-русумлар мажмуаси эмас, балки турли фалсафий, ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий қарашлар тизимидан таркиб топганлигидан далолат берувчи миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғуналигига эришишдир. Бунда ота-онани улуғлаш, оилани мустаҳкам сақлаш, фарзанднинг бурчи, ўзаро меҳр оқибат, иффат, ор-номус, ҳаё, каби асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган фазилатлар, устоз ва шогирдлар одоби каби эзгу қадриятларга содик қолиш, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш,

миллий ғоя тарғиботини изчиллик билан давом эттириш каби ҳислатларни сингдириб бориш шубхасиздир.

“Биз-дарахт, болалар мевамиз эмаски, улар шигил пишганда одамлар-нинг олдига қўйсак, бир ўтиришда еб, дуо қилиб кетаверсалар ва шу билан ишимиз тугас! Болалар аслимизни, наслимизни асрлардан-асрларга ташув-чилардир! Яралишига биз сабабчи бўлдик, аслида, улар Аллоҳнинг неъмат-лариидир” [8. Б. 246].

Гар шундай экан барча ота-оналар ўз фарзандлари учун масъул ва мураббий бўлиши давр талабидир. Ҳар бир бола тарбияни оилада, мактабда, маҳаллада, бошқа билим даргоҳларида олади. Аммо бола тарбиясида асосий ўринни оила эгаллайди. Чунки бола оилада туғилади, юриш, сўзлашни, муомалани оилада ўрганади, бола дунёни оилада танийди. Шунинг учун ҳар бир боланинг биринчи ва асосий устози ота-она ҳисобланади. Ота-она, фарзандлар туғилганидан сўнг, ўзининг юриштуришини, муомаласини назорат қилиши лозим. Зеро, бола шогирд бўлиб, устозларини, яъни ота-онанинг қилган ишларини такрорлашга ҳаракат қиласди.

Ёшларда ватанпарварлик тарбияси ва ҳунари тўғрисида гап кетганда “Қобуснома”даги ушбу сўзларни эслаш мақсадга мувофиқдир: “Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўлса-ю, аммо ҳунари бўлмаса, у ҳалойиқнинг иззат ва хурматидин ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биладур; насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил... Бу от фақат бир нишонадин бошқа нарса эмасдур. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил” [6.Б.5] -дейилгани ҳар-бир ёшнинг ҳунарга, меҳнатга бўлган қизиқишини ёшлигидан оилада шаклланишига олиб келади.

Инсоният тарихида буюк кишиларнинг ўрни, ўта муҳим бўлган. Ундай кишилар жамият тараққиёти тамаддуни(йивилизацияси)га ғов бўлиб қолган ижтимоий-сиёсий иллатларни ўзгалардан олдин илғаб оладилар, уларни ўзларига хос ноёб қобилият, мустаҳкам иродада ва доно сиёсат билан бартараф қила оладилар. Ундай шахсларнинг номи у ёки бу ҳалқ тарихига ўчмас ном бўлиб битилиб қолган ана шундай юртдошларимиздан бири, киндик қони Андижон диёрида тўкилган, номи жаҳонга машҳур Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Темурийларнинг Фарғона мулки подшоҳи, кейинчалик улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳиндистондаги давомчиси, буюк саркарда, беқиёс шоир ва серқирра олимлигидан ташқари яна бир қанча улуғ сифатларга эга бўлган у зотнинг салобати ва салоҳияти йиллар ўтган сайин бутун жаҳонни лол қолдириб келяпти.

“Саодатманд шоҳ-Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ҳинд тупроғида беш йилгина (1525-1530 йиллар) ҳукмдорлик нашъасини суриш насиб этди, холос. Лекин Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос согтан давлат 332 йил давом этди. Жангу жадаллар, мислсиз уқубатлар, чексиз инсоний изтироблар, ватан соғинчи билан йўғрилган бу йиллар янги туркий-ҳиндий давлатнинг шаклланиш даври ҳамда ҳассос шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърий ижодининг гуллаган бир фасли бўлди.

Гарчанд Заҳириддин Мұхаммад Бобур тарих ҳукми билан бу юртларга фотих сифатида лашкар тортиб келган бўлса-да, жаннат мисол бу ўлкани тақдир тақозосига кўра ўзига ватан тутди, гарчанд туғилган диёри - Андижон, умрининг шиддатли дамлари кечган муazzам Самарқанд соғинчи сўнгти нафасигача ёдидан чиқмаган бўлса-да, ҳинд тупроғига, ҳинд элига ҳам меҳр кўйди, уни обод ва яқдил қилишга интилди, ўзаро адоватли қабилаларни бирлаштириб, марказлашган давлатга асос солган” [11.Б. 275-276], эндиликда номи бутун жаҳонга машҳур Заҳириддин Мұхаммад Бобур Андижонда катта онаси Эсон Давлатбеким чорбоғида хижрий 888 йил муҳаррам ойининг олтинчи (1483 йил 14 февраль) куни тонг отар чоғда ёруғ дунёга келди. Унга исм қўйиб беришни сўраб Умаршайх Мирзонинг пири Ҳазрати Эшон-Хожа Ахрор Валийга чопар кетади. Унга “Заҳириддин Мұхаммад”, деб гўзал исм қўйиб беради.

Набира туғилганлигидаги хабар Мўғулистонга катта ота Юнусхонга ҳам етиб боради, у билан Мўғулистондан келган меҳмонлар чақалоқни бирма-бир қўлга олиб, ниҳоятда завқланишиди. Юнусхон эса шу завқ таъсирида Заҳириддинни “йўлбарсим”, “шерим” деган маънода “Бабр-бабр” деб эркалатган. “Заҳириддин” исми мўғуллар учун талаффузда андак қийин бўлгани боис оддийроқ қилиб “Бабр” деб атаган, шунга кўра бўлгуси шаҳзода номи “Заҳириддин Бобир” деб, кейинчалик эса “Бобур” деб ёзиладиган бўлди [4.Б.18-19].

Инсон ўз фарзандини кичик ёшдан тарбиялаб, одоб бермоғи керак. Маълум ёшга етгач, баъзи нарсаларни болага қабул қилдириш қийин бўлади. Уларни ҳаётда ўз ўрнини белгилашга интилиш ўзида олижаноб мақсадга, ахлоқ тушунчасини чукур тушуниш ва уларни маълум тизимга солишига жавоб берадиган сифатларни ҳосил қилиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Юқорида айтганимиздек, Бобурийлар хонадонида ҳам бола тарбияси масаласига кичик ёшдан эътибор қаратилади. “Миллатнинг етуклиги, шахснинг маънавий камолоти ўз Ватанига бўлган муҳаббати, хурмати, самимияти, меҳр-оқибати билан белгиланади. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат одамнинг қонига она сути билан киради. Бу муқаддас туйғуни она алласи парвариш қиласи, ота тарбияси ва намунаси улғайтиради” [9.Б.39].

Ана шу туйғуга амал қилган ҳолда Заҳириддин Мұхаммад Бобур тарбиясига эътибор бериб, Шарқона таълим-тарбия қоидасига кўра, болани уч ёшлигиданоқ бағрини илму урфон нури билан ёритиш тараддусига киришади. Давр талаби шундайки, Ислом дини қоидасига биноан, савод чиқаришни Аллоҳни Каломидан, сўнгра араб тилидан бошламоқ лозим бўлгани боис шуни ҳисобга олиб, 1486 йил қиш ойидан бошлаб, алифбо ўрганишга киришди.

“Араб алифбосидаги илк ҳарфларни ўргатиш ҳамда Қуръони каримни Фотиха сурасини ўқитиш қоидаси бўлиб, дастлабки савод чиқариш ибтидосидир. Заҳириддин Мұхаммад Бобур биринчи кунданоқ “Алҳамду” калимасининг тўғри талаффузини ўрганиб олади.

Бир ҳафта ичида у Фотиҳа сурасини тажвид (тўғри қироат) қоидаси билан ёд олиб улгурди. Тўрт ёшга тўлганда араб тилининг “сарф” қисмидан хабар топди, ёзувни ҳам ўрганиб улгурди, анча-мунча китобларни ўзбошимчалик билан “таталаб” ўқишга киришган эди, аммо ўқитувчиси бунга йўл бермади. Факат “Қобуснома” ва “Калила ва Димна” каби тарбияга оид китобларни ўқитар эди” [4.Б.53-54].

“Китоб ўқишнинг хузурли, энг гўзал юпанчлардан бўлгани каби зеҳн орттиրмак, илму маърифат ҳосил қилмак, хуллас, илму тарбия ўрганмак учун жуда керакли бўлган ишлардан биридир. Бир яхши китоб ўқиш ила қайғулар тарқаладир, лекин аввало шуни айтаманки. Бизнинг учун тўғри-ю, дуруст китоблар кўришдан фойдалироқ ҳеч нарса йўқ” [Назимо 1994,11]. Буни ҳисобга олган ҳолда у беш ёшга етганлигини эътиборга олиб, одоб-ахлоқ жиҳатдан унинг тарбиясига жиддий киришилди. Тенгқурлари ичида анча гавдалироқ, тетик ва соғлом кўринганига эътибор қаратган унинг отаси Умаршайх Мирзо ўғлини жисмонан бақувват бўлишига эътибор қаратиб, болани ёшлиқ давриданоқ жисмоний тарбияга эътибор қаратишини, кейинчалик эса уни аста-секин ҳарбий машқларни ўргатишга киришмоқни ният килади.

Яна шуни айтиш керакки инглиз олими Хералд Лембнинг ёзишича у олти ёшга етганда, уни “ичкаридан”, яъни аёллар хонасидан олиб чиқиб, эркакчасига тарбиялай бошлади. Унинг тарбияси билан энди кўпроқ эркаклар шуғулланганлигини,”[4.Б. 62] таърифлаб ўтади.

“Захириддин Муҳаммад Бобур етти ёшга тўлди, ўша давр табобат илмida болалар саломатлигини асрash муҳим масала эди. Қизамиқ, чечак, безгак, кўк йўтал каби касалликлар гўдаклар хаёти учун ҳаққоний офат эди. Уни бу дардларга чалинмаслиги учун чорбоғда махсус табиб ҳам истиқомат қиласди. Табиб удумга биноан ҳар йили маълум касалликка қарши “эмлаш” усууларини қўллар эди. Захириддин Муҳаммад Бобурни чечак касалидан сақлаш учун етти ёшга тўлганида мўғул табиб маслаҳати билан бўйнига кўк феруза тош осиб, қўлига ҳам боғлаб қўйдилар. У касалликка учрамай, соғ-саломат ўсмоқда эди. Шуни ҳисобга олиб отаси шаҳзодаларга хос айрим ҳунарларни ўргатишни тайинлади. Унга тез югуриш ва сувда сузишни ўргатдилар.

Захириддин Муҳаммад Бобур етти ёшга тўлганида унга махсус рикобдор (узангибон, отга миндирувчи) тайинланиб, от миниш ва чоптириш-га ўргата бошлади. Аввалига рикобдор устоз миниб, кейин эгар олдига Захириддин Муҳаммад Бобурни ўтказди. Қамчи уруши билан от чопиб кетди. Рикобдор Бобуржонга “Шаҳзодам, эгар қошини маҳкам ушланг, бошингизни баланд кўтариб, олдинга қаранг, қўрқманг” деган эди. Тулпор елдек чопиб кетди. Шу тариқа от минишни ўрганиб олди. Бу машгулотни ўрганиб олгач, унга ёйдек эгикроқ, ихчамгина махсус бағдодий қилич ясад бердилар ва алоҳида яроғбардор тайёрладилар. Уни қилич ушлашга, унинг билан турли ҳаракатлар қилишга ўргатди. Қилични иккала қўлида ушлашга, икки қўлида бирдек зарба беришга ўргатадилар.

Энди камон отишда маҳорат ҳосил қилиш навбати келди. Маълумки, тарихда пороҳдан ўқ ясаб отадиган милтиқ қашф қилингунга қадар камон (ўқ-ёй) бутун дунё ҳарбий ишида узоққа отадиган асосий қурол бўлиб келган. Аввалига бу маҳсус тирандозлар (мерганлар) иши бўлган, кейинчалик камон ҳар қандай мамлакат армиясининг асосий узоққа отиш қуролига айланган. Урушда қилич ишлатиш учун ёвга яқин бориш керак, камонда эса қарши томонга узоқ масофадан туриб талафот йетказиш мумкин. Бобурни ёшлигидан камонда отишга ўргатдилар. Саккиз ёшлигига у камонни куч билан яхши эголмасди, шунга яраша, ўқ ҳам унча узоққа учмасди. Кучку болада секин-аста пайдо бўлар, шунинг учун уни белгини яқинроққа қўйиб, мўлжални тўғри олишга ўргата бориши.

Захириддин Муҳаммад Бобур секин-аста камондан ўқ отиш машқига ҳам ўрганиб кетди. Энг муҳими, мўлжални аниқ олиш ва уни ўқ билан уриш. Аммо аниқ мўлжалга олиш, яъни мерганлик зийраклика ва аниқ-равshan кўра билишга боғлиқ. Устози мана шунга эътиборни қаратди ва шаҳзодани аниқ мўлжалга олишга, яъни мерганликка ўргатди.

Шарқ ҳалқлари орасида чавгон жуда қадимий ўйинлардан бири ҳисобланиб, ўз ўйин қоидалари ҳамда кўриниши жиҳатидан кўпкари ва хоккей ўйинларига ўхшаш бўлган. Ана шундай ўйинга Захириддин Муҳаммад Бобур тўққиз-ўн ёшидан бошлаб чавгон ўйинида қатнашар экан, энг муҳими от чоптиришни, эгарда маҳкам ўтирган ҳолда энгашиб, кўлдаги чавгон таёқча билан тўпга ташланиш ва уни мўлжалга олиб яхши ўрганиши кераклигини яхши биларди. Ҳаммадан тез от чоптириш, тўпни олдинга суриб, “рақибиға” бермасдан, тезлик билан олиб бориб дарвозага киритиш мана шу вақтдаги чаққонлик, отда туриб мўлжални аниқ олиш ва орқадан бирорни қувиб етишига имкон бермаслик булар ўйиннинг асосий шартлари ҳисобланарди. Аммо болалар учун хавфли бўлгани сабаб (чанг-тўзонда кўзга бирор нарса кириши бор) кўп ҳам руҳсат этавермас эдилар. Атрофдаги қийқириқлар эса ўйинга алоҳида файз, қизиқиши бахш этарди” [4.Б. 76], бу эса болаларни жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишига сабаб бўларди. Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида чавгон ўйинига жуда катта шоирона таъриф берганлигига шу асарни ўқиганда ўзим гувоҳи бўлдим. Бу ўйин ҳақиқатдан ҳам ёшларни жисмоний бақувват қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Захириддин Муҳаммад Бобур ўн ёшга тўлганида ота-бода от миниб атрофни сайр қилишга чиқадиган бўлишиди. Айниқса, баҳор кезлари мулозимлар билан қирадирлар оша отда сайр қилиб юрган пайтларда унинг қалбидан ота юрти-гўзал Фарғона водийси ва киндик қони тўкилган Андижонга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари уйона бошлади. Юртга бўлган фарзандлик ҳис-туйғулари кейинча ватан, улус ҳакидаги ғазалларининг асосий мазмунини ташкил қилди.

Захириддин Муҳаммад Бобур Умаршайх Мирзонинг саккиз фарзандидан (уч ўғил ва беш қиз) энг каттаси бўлгани учун Фарғона мулкининг қонуний меросхўри бўлган. Шу сабабли унга бўлғуси подшоҳ деб алоҳида эътибор бериларди. Устозлари

унга алоҳида меҳр қўйиб, ўн ёшга тўлгандан бошлаб нафосат давраларига, шоиру олимлар мажлислариға олиб кириб, уларни сухбатларини тинглатар мустақил фикр юритишига эътиборини қаратганлар, шу сабабдан ҳам ўн-ўн бир ёшидан бошлаб мустақил мутолаага ўрганди.

Унинг доимий сирдоши китоб бўлди. Китобга ошно бўлиш билан олам ва ҳаёт, инсон ва жамият, давлат ва давлатдорлик, дунё сир-асорларини аста-секинлик билан болалик шуурига сингдириб борди. Унинг ёшлиқда ўқиган китоблари шаҳзодани дунё ҳаётининг оқу қорасини яхши фарқлайдиган шижоатли ва баҳодир ўсмир бўлиб етишига сабаб бўлди. Унинг биринчи танишган китоби катта бобоси улуг Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари” бўлди. “Тузуклар” билан биринчи марта танишар экан, ҳазрати Соҳибқироннинг подшоҳлик ҳаёти, давлат тузуми, қўшинларининг ташкил топиши ҳақида фавқулодда муҳим дастлабки маълумотларни ола бошлади. Ва билдики, давлатни идора қилишда вазиру амирлар, шунингдек, вилоятларда ўтирган ноиблар катта мавқега эга эканлигини тушуниб етди. Унга болалигиданоқ турли мажлис-анжуманларда, олимлар даврасида ўзини тута билишга доир қоидаларни ўргатдилар. Давраларда ўзини тута билиш, билганини изҳор қилишдаги шарқона одоб, билмаганда эса, сукут сақлаш ва ўзгалар фикрини эшитиш одоби ҳақидаги таълимотни ҳам ўзлаштириди.

Юқоридагиларидан ибрат олган ҳолда бугунги кун ёшлар тарбияси ва маънавий-ахлоқий руҳиятини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширап эканмиз, бунда асосий вазифа ёшлар қалбида ватанпарварлик, халқпарварлик руҳини ўйғотиш асносида жамият ишига даҳлдор, миллат тақдирига тақдирдош, Ватан истиқболи учун жавобгар шахсни шакллантиришдан иборатdir. Бунинг учун маънавий-ахлоқий руҳиятни мустаҳкамлаш, жавобгарлик ҳиссини ўйғотиш, даҳлдорлик туйғусини ошириш вазифаларини билмоғимиз лозим.

“Инсондаги энг чиройли фазилатлар, аввало, оила бағрида куртак ёzádi. Фарзандларимизнинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши оиласидаги тарбияга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ота-боболаримиз оиласидай тарбияга ғоят нозик масала сифатида алоҳида эътибор қаратган. Фарзандлар баҳт-саодати, келажаги учун ҳалол касб ила ҳалол луқма топишга ҳаракат қилишган. Яхши устозлар қўлида таълим олишини таъминлашган” [10.Б. 56].

“Фарзандни болалиқдан касб-хунарга, меҳнатга ўргатиш лозим, шунда уни тарбиялаш осон кечади. Ота-она иқтисодий томондан қанча бой бўлмасин, ҳеч қачон фарзандини ҳаддан зиёд эркаламаслик ва исрофгарчиликка ўргатмаслик керак. Бу дунёда хамма нарсанинг ҳисоб-китоби бўлгани боис, инсон томонидан яратиладиган ва табиат инъом этадиган ноз-неъматларнинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Шундай экан, фарзандни инсон томонидан, табиат томонидан яратилган ноз-неъматларни қадрлашга ва исроф қилмасликка ўргатиш лозим. Агар доимо болага хоҳлаган нарсаларини муҳайё этсангиз, у бу нарсаларнинг қадрига етмайдиган бўлади. Агар ўзи меҳнат қилиб, ҳалол меҳнат билан ўша нарсаларга эришса, у буларни қадрлайди

ва эҳтиёт қилади. Шунингдек, бу унга асалдан ҳам ширин ва олтиндан ҳам қиммат туюлади” [2.Б. 65].

Агар биз таълим-тарбия соҳасидаги ишларимизни аниқ тизим асосида ташкил этиб, уларнинг самарадорлигини оширмасак, эртанги қунимизни қуролмаймиз, ўз мақсадларимизга етолмаймиз. Ҳар бир инсон алоҳида ва тўлақонли тизим экан, унинг ана шу серқирра, ранг-баранг ва зиддиятли оламига мос равишда ғоявий таъсир комплекс тарзда, кенг миқёсли, ёшлар оламини яхлит ҳолда қамраб олган шаклда олиб борилмоғи лозим. Бу борада “Бир болага етти маҳалла ҳам ота ҳам она” деган шиор доимий кун тартибида туриши лозим. Биз ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим.

Ёшларни баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида “умид ва кутмоқ инсоннинг қаноти эканлиги, қанотлар қанча катта бўлса, у шунчалик юксакка уча олади. Умидсиз қолсачи, тамбаллашади, ўзи хайр қилолмагандек, бандалик вазифаларини ҳам адо этолмайди. Шунинг учун ҳам, улар кўзингизга хунук ва нуқсонли кўринади. Чучук сув ичиб юрган одамгина сувнинг шўр-тузли эканлигини пайқайди. Яъни ҳар қандай ашёнинг сифати зидди орқали маълум бўлади... Улуғ тангри сизга истаганингизни беради, нимага эришиш йўлида ҳиммат кўрсатсангиз, ўшанга сизни мусассар айлайди. Чунки “қуш қанотлари билан юксалади, мўмин ҳиммати билан” [5.Б. 92-93] деган ҳикматли иборада маъно кўп эканлигига эътибор қаратиш муҳимлигидадир.

Хулоса қилиб айтганимизда, инсон кўнгли ҳамиша комилликка, етукликка талпиниб келган, комилликка интилиш, улар сиймосида ўзликни англаш, юксак ахлоқий фазилатларни бойитиб боради, гар шундай экан ёшларни бугунги даврга теран ва чукур мушоҳада юритган ҳолда назар ташлашни, ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Ёшларда тарбия, маънавий-ахлоқий руҳиятни ҳосил қилиш ва янада мустаҳкамлаш, турли воситалар орқали қадриятларимиз, менталитетимизга ёт тушунча ва ғоялар кириб келиши, тарқалишини олдини олиш барчанинг бурчи ва вазифаси ҳисобланади.

Буюк сиймо Захириддин Муҳаммад Бобурнинг саркардалик фаолияти ҳамда давлатни бошқариш усули ва йўллари ҳамма учун ибратдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг яшаш тарзи билан танишгач, унинг ҳақиқий комил инсон бўлганига амин бўламиз. Шунга кўра унинг шахси барча учун ибрат мактаби, у биз учун идеал шахсдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2021.

2. Абдуазимов Файзулла ва бош. Бахтингиз ўз қўлингизда: ҳаётий воқеалар ва суд очерклари. Тошкент. “Akademnashr”. 2012.
3. Алий Назимо. Қизлар тарбияси. Тошкент. “Камалак”. 1994.
4. Жалилов Сайфиддин. Шаҳзода Бобур. Тошкент. “Movarounnahr”. 2013.
5. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2017.
6. Кайковус. Қобуснома. Тошкент. “Истиқлол”. 1994.
7. Олимат ул-Банот. Муошарат одоби. Тошкент. “Меҳнат”. 1991.
8. Содикова Турсуной. Ҳаёт тилсими. 3-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2016.
9. Туленов Жондор ва б. Истиқлол ва тараққиёт мағкураси: мақсад ва йўналишлари. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1993.
10. Шайх Абдулазиз Мансур. Тинчлик ва осойишталик-олий неъмат. Тошкент. “Мовароуннахр”. 2013.
11. Хайдиддин С. Бобурийнома. Тошкент. “Шарқ”. 1997.